

# Лойиҳа

О‘ЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI  
SURXONDARYO VILOYATI  
SHO‘RCHI TUMANI  
HOKIMINING  
**Q A R O R I**



РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТОН  
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ  
**РЕШЕНИЕ**  
**ХОКИМА**  
**ШУРЧИНСКОГО РАЙОНА**

191500, Sho`rchi tumani, Mustaqillik ko`chasi 72-uy, tel.: 0(376)45-74-100, fax: 0(376)45-75-100

20\_\_ yil “\_\_” \_\_\_\_\_ - sonli

**2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида Шўрчи туман маҳаллий бюджетларидан мақбуллаштириладиган харажатларни тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коронавирус пандемияси даврида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва биринчи навбатдаги тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 15 апрелдаги ПҚ-4679-сон Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларини мақбуллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 16 апрелдаги 232-сон қарори ҳамда вилоят ҳокимининг 2020 йил 17 апрелдаги Қ-179-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида,

## **Қ А Р О Р      Қ И Л А М А Н**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларини мақбуллаштириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 16 апрелдаги 232-сон қарори билан вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг:

бюджет ташкилотларида (тиббиёт, тиббий-ижтимоий муассасалари, меҳрибонлик уйларида ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг 1-3 разрядлари кўлланиладиган ходимлардан ташқари) ишлайдиган ходимларга 2020 йил 16 апрелдан 1 октябрга қадар моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси ҳамда директор жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўловлар ҳисобланишини тўхтатиб туриш;

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидида ҳамда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурида кўзда тутилган харажатларни мақбуллаштириш;

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетлари харажатларини мақбуллаштириш;

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг 2020 йил II чораги учун режалаштирилган харажатларни 2020 йилнинг иккинчи ярим йиллигига ўтказиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Туман маҳаллий бюджетидан мақбуллаштириладиган харажатлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Халқ депутатлари туман Кенгашига иловага мувофиқ иқтисод қилинган маблағларни маҳаллий бюджетларнинг даромадлар прогнозининг бажарилмаган қисмини қоплашга йўналтириш тавсия қилинсин.

4. Туман ҳокимлиги молия бўлими (А.Қувондиқов) тегишли давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органи билан биргаликда барча бюджет ташкилотларида (тиббиёт ва тиббий-ижтимоий муассасалари ҳамда меҳрибонлик уйларида ташқари):

асосий воситаларни харид қилиш ва капитал таъмирлаш билан боғлиқ харажатларни жорий йилнинг 1 июлига қадар тўхтатиш (молиялаштириш бошланган чора-тадбирлар бундан мустасно) ва ушбу мақсадлар учун II чоракда режалаштирилган маблағларни қисқартириш ёки 2020 йилнинг иккинчи ярим йиллигига ўтказиш;

коммунал хизматлар, озик-овқат, қоғоз ва бошқа канцелярия товарлари харид қилиш, тадбирлар ўтказиш, жорий таъмирлаш ва бошқа харажатларни қисқартириш чораларини кўрсин.

5. Туман иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими (Т.Қултўраев) тегишли ташкилот ва идоралар ҳамда туман ҳокимлиги билан биргаликда мақбуллаштирилган маблағлар ҳисобига 2020 йилда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастуридан чиқариладиган лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини шакллантириб, бир кун муддатда вилоят иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бош бошқармасига киритсин.

4. Мазкур қарор “Жараён” газетасида расмий эълон қилинсин ва туман ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

6. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Ж.Норқулов зиммасига юклансин.

**Туман ҳокими**

**Б.Худойберганов**

